Габарит ўлчамлари вертикал учун баландлик, горизантал учун узунлик – 2030.

Масса – 480 кг.

- Хом шаробни сақлаш учун керакли бўлган сифимлар сони дастлабки корхонадаги сифимларни сифимини ҳажмини ҳисоблаб чиқамиз.

$$7 \times 750 + 3 \times 1000 + 4 \times 1000 + 5 \times 5000 + 2 \times 2000 + 1 \times 5000 \\ = 5250 + 3000 + 4000 + 25000 + 4000 + 5000 = 46250$$

Шунда керак бўлган сифимлар сони

$$N = \frac{56884,0 - 46250}{2000 * 1} = 5,3$$

Демак сақлаш учун 2000 ҳажмки бта сифим керак бўлади.

- Насосларни сонини ҳисоблаш.

5000 даллик сифимни тўлдириш учун ЦВН-насосини ишлатилади, унинг қуввати 5-10м<sup>2</sup>. Мен 5м<sup>2</sup> ни қабул қилдим.

Спиртли сақлаш учун сифимлар сони:

$$N = \frac{2445,4}{2500} = 0,9$$

Маркаси – СЕН 25-32-ВО-01

Спиртни ўлчаш учун ўлчагич (мерник)ни ҳисоблаймиз. Спирт ҳажми кам бўлганлиги учун 1та ўлчагич қабул қиламан.

Мен 5м<sup>2</sup> қабул қилдим. Демак 5000 даллик сифимни тўлдириш учун кетадиган вақтни аниқлаймиз:

$$T = \frac{5000}{5 * 100} = 10 \text{ соат}$$

Шунда бир сменани давомийлиги 8 соат деб эътиборга олсак, эгализаторни бир сменада тўлдириш учун 2та насос керак бўлади. Ҳаммаси бўлиб насослар сони 2+1, босим шарбати +1, оқим шарбати = 4, 4 та насос автоматлаштирилган пултга уланади.

## 1.8. АСОСИЙ УСКУНАНИНГ ИССИҚЛИК (ЁКИ СОВУТИШ) БАЛАНСИНИ ҲИСОБЛАШ

Курс ишидан 2000 дал хажми сиғим танланган.


- Сиғимнинг сиғими 20 м<sup>3</sup> (2000 дал)
- Сиғимни юзасини майдони қуйидаги тенглама билан ҳисобланади.

$$F = \pi DC + 2 \cdot 2\pi rp$$

$$F = 3.14 \cdot 2.6 \cdot 2.8 + 2 \cdot 3.14 \cdot 2.9 \cdot 0.69 = 47.99 m^2$$

- бижғиш ҳарорати - 20 °С
- атроф муҳит ҳарорати - 25 °С

Глюкозанинг бижғиш формуласи қуйидагича:



Глюкозани ҳар бир килограмм бижғиганда 140 ккал энергия ажратиб чиқади. Сиғимни хажми 2000 дал бўлса, бижғиётгани шарбатни хажми

$$2000 \times 0,75 = 1500 \text{ далга тенг}$$

Асосий бижғиш жараёнида глюкозани 85 % ни бижғийди (қандлилиги 20% ли шарбатни зичлиги 1,085 га тенг.)

$$1500 \times 1,085 = 1627,5 \text{ кг га тенг}$$

Ажралиб чиққан энергияси эса қуйидагича ҳисобланади.

2). Шарбатдаги қандлиликини 20 % деб қабул қилса ўрта ҳисобдан бир соатни шарбатнинг зичлиги

$$\frac{20 \cdot 85}{100 \cdot 96} = 0.177\% \text{ га камаяди.}$$

Бу ерда, 0.6 – асосий бижғиш даврини давомийлиги 4 сутка ёки 0.6 соат деб қабул қилинди.

Бир соатда ажралиб чиқадиган энергия – Q миқдори қуйидагича ҳисобланади.

$$Q = 2880,675 \cdot 140 = 403294,5 \text{ ккал ёки } 16857,71 \text{ кДж.}$$

Атроф мухитга йўқоладиган иссиқлик қуйидаги тенгламадан аниқланади.

$$Q_2 = F\alpha\Delta t \text{ ккал ёки кДж/соат.}$$

Бу ерда:  $F$  – сифимни деворларини ва тубини юза майдони,  $m^2$ .

$\alpha$  – конвекция ва нур ейилиши орқали иссиқлик бериш коэффициенти ккал / ( $m^2$ соат ҳарорат) ёки  $вт / (m^2$ соат ҳарорат).

$\Delta t$  – атрофдаги ҳаво мухитининг ҳарорати  $C$  билан, сифим деворини ҳароратини фарқи  $^{\circ}C$ .

Конвекция ва нур ейилиши натижасида иссиқликни йўқотилишини ҳисоблашда  $\alpha$  – коэффициентини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин.

$$\alpha = 8.4 + 0.06 \Delta t \text{ ккал / (} m^2 \text{соат ҳарорат) ёки } \alpha = 9.74 + 0.07 \Delta t \text{ вт / (} m^2 \text{соат ҳарорат).}$$

Ҳаво ҳароратини  $25^{\circ}C$  деб қабул қилинса  $\alpha$  коэффициенти қуйидагича ҳисоблаб топилади.

$$\alpha = 8.4 + 0.06 (25-20) = 8.7 \text{ ккал/(} m^2 \text{соат ҳарорат) ёки}$$

$$\alpha = 9.74 + 0.07 (25-20) = 10.09 \text{ вт / (} m^2 \text{ ҳарорат).}$$

Бунда атроф мухитга йўқотиладиган иссиқлик қуйидагича ҳисобланади:  $Q_2 = 47.99 \cdot 8.7 (25-20) = 2087.565 \text{ ккал/(} m^2 \text{соат ҳарорат)}$   
ёки,  $8726.02 \text{ кДж.}$

Шарбатни қиздиришга иссиқлик сарфланмайди ва шарбат бижғитиш сифимида ҳарорат  $26^{\circ}C$  га кўтарилади деб қабул қиламиз.

Бижғиш жараёнида ажралиб чиққан иссиқликни умумий миқдоридан  $6\%$  спиртни ва сувни буғланишини ҳисобига йўқотишлар ташкил қилади деб қабул қиламиз, демак

$$Q_3 = 4032,945 \cdot 0.06 = 241,9767 \text{ ккал}$$

$$\text{ёки } 16857,71 \cdot 0,06 = 1011,4626 \text{ кДж.}$$

Иссиқлик ўтказиш майдонидан совутувчи сувга бериш зарур бўлган иссиқликнинг миқдори:

$$Q = 4032,945 - 20,87565 = 3770 \text{ ккал ёки } 15759,018 \text{ кДж.}$$

Совутилган сувнинг ҳарорати 14 °С ва чиқиб кетиш ҳарорати 18 °С деб қабул қилинса сувнинг сарфи қуйидагидек ҳисобланади:

$$w = \frac{3770}{(18-14) \cdot 150000} = 0.062833 \text{ м}^3 / \text{соат}$$

Ҳароратни ўртача фарқи

$$\Delta t = \frac{11-7}{2,3} = 2,03 \text{ } ^\circ\text{C}$$

Сифимлар қобиғи (рубашкаси) учун иссиқлик узатувчи коэффициент ҳисоблайдиган формулалар аниқлиги баланд эмас. Амалиёт натижалари бўйича иссиқлик ўтказувчи коэффициентини 400 ккал/(м<sup>2</sup>соат, ҳарорат) ёки 465 Вт/(м<sup>2</sup>соат, ҳарорат) га тенг деб қабул қилсак, сифим қобиғининг майдони

$$F_p = \frac{Q}{\Delta t \cdot k \tau} = \frac{3770}{400 \cdot 2.03} = 4.64 \text{ м}^2$$

ёки

$$\frac{15759}{2,03 \cdot 465 \cdot 3,6} = 4.64 \text{ м}^2$$

Сифимни меъёрий ва технологик тавсифига кўра сифим қобиғининг майдони

$$F_{\text{изг}} = 120 \pi D e = 9,8 \text{ м}^2$$

$$F_{\text{изг}} > F_p \quad 9,8 \text{ м}^2 > 4,64 \text{ м}^2$$

Демак, теложок сифимимизнинг қобиғини иссиқлик алмашинув майдони бижғиётганда ажралиб чиқадиган иссиқликни 20 °С да сақлаб туришга кучи етарлидир.

## 1.9. ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР, ЧИҚИНДИЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Узумни қайта ишлаш натижасида иккиламчи маҳсулотлар: *узум турпи, банди, уруғи* ва узумдан олинган шарбатни бижғитилиши натижасида *ачитқилар, чўкмалар* ва *бошқа чиқиндилар* ҳосил бўлади.

Бу чиқиндилар қайта ишланган узум ҳажмининг 20% ни ташкил қилади.

Иккиламчи маҳсулотарни рационал ишлатилиши бўйича ҳар йили 5 млн. дал гача этил спирт, 6 минг тоннагача хашаки унлар ва бошқа емлар олинади.

Узумнинг иккиламчи маҳсулотлари шингилнинг қаттиқ элементларида жойлашган. Аммо ачитқилар, нейтрал кислота чўкмалари, этил спирти, углерод тўрт оксиди, ароматик моддалар ва бошқа маҳсулотлар фойдали озуқа чиқиндилари деб эътироф этилади.

*Узум банди (мева поя)*. Узум янчилиши натижасида одатда унинг бандлари шарбат билан намланган бўлади, ва таркибида маълум миқдорда (1,5-2,0 г/100мл) қанд бўлади. Корхоналарда бандлар исканжаланади ва ҳар бир тонна узумдан 1 дал гача банд шарбати олиниб, спирт ва сирка кислотаси тайерлаш учун ишлатилади.

Банднинг кимевий таркибида фенол моддалар – 3-6%, минерал моддалар –2,5% гача, шароб кислотаси 0,1% гача топилган.

*Турпи*. Эзилган узумни исканжалаш натижасида узум турпи ҳосил бўлади. Ишлатиладиган исканжалар типи бўйича узум турпи икки гуруҳга бўлинади.

1. Даврий усулда ишлайдиган исканжадан (ППД) олинган узум турпи.
2. Шнекли исканжадан олинган узум турпи (ПНД)

Биринчи гуруҳдаги узум турпи кўп миқдорда шарбат ва эзилган пўстлоғидан иборат бўлса, иккинчи гуруҳдаги узум турпи эса кам миқдорда шарбат ва кўп миқдорда уруғдан иборат бўлади.

Узумни қайта ишлаш услуги бўйича узум турп 3 гуруҳга бўлинади:

1. Ширин;
2. Бижғиган;
3. Спиртланган.

Узум турпи ҳаво билан алоқада бўлиши ҳисобида тез бузилади ва моғор билан қопланади, спирт сирка кислотасига айланади, шароб кислотали бирикмалар пропион кислотали бижғиш бактериялари томонидан парчланади. Шунинг учун исканжалашдан кейин бирданига турплар қанд ва шароб кислоталарни экстракциялаш усули билан ишлов берилади. Бундай имкониятлар бўлмаса турплар цементли трансияларда, махсус ер ости омборхоналарда. Ховузларда ёки майдонларда жойлаштирилади, полиэтилен плёнкалар билан ёпилади, кейин кум, турпок, ёки ер билан қўшиб ташланади. Узум турпи бижғишдан кейин спирт ва шароб кислотали бирикмалар олиш учун ёки тўғридан - тўғри ҳайдаш усули билан спирт олиш учун дисстилляцияга юборилади. Уларни комплекс равишда ишлатилиши натижасида шароб кислотаси, спирт хом-ашёси, узум уруғлари, хашаки унлар, энобўёклар ва бошқа маҳсулотлар олинади.

*Ачитқи ва қуйқали чўкмалар.* Чўкмаларга ишлов бериш шарбат шароб ишлаб чиқариш саноатида чиқиндиларни комплекс ишлатиш бўйича сезиларни ўрин эгаллайди. Шарбатни тиндириш ва уни спиртлаш, спиртли бижғиш, хом шаробларни ва хом шарбатларни хурушлаш, шунингдек уларни бентонит, кремний кислоталари билан ишлов бергандан кейин ҳосил бўлган қуйқали чўкмалар фарқланади. Келиб чиқишига қараб қуйқали чўкма қуйидагиларга бўлинади: *сульфатланган, спиртланган (кувватланган) ва бижғитилган.*

Қуйқа таркибидаги қуруқ моддаларни фоизига қараб: суюқ ҳолатдаги (12%); қуюқ ҳолатдаги–(30%) ва сиқилган (60%) қуйқага ажратилади.

Бижғишдан кейин, ачитқи чўкмалари бочка ва резервуарларнинг тубига чўқади ва шароб ҳажмининг 3-8%-ни ташкил қилади. Ачитқи чўкмаларини қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали ва шароб ишлаб

чиқариш корхоналаридаги сувларни ифлосланиши учун кураш деб ҳисобланади.

Исканжаланиб олинган ачиткилар 5-10% спирт, 3-8% шароб кислотаси, шунингдек бир қатор пектин, буёвчи, ошловчи, азотли ва бошқа моддалардан иборат.

Комплексли ишловда ачитки чўкмалардан спирт, вино кислоталар, энант эфири, аминокислоталар (тоза ҳолда), ачитки концентратлари ва автолизаторлар, ферментлар, витамин препаратлари, ҳайвонлар учун озуқа маҳсулотлари олинади.

*Ачитки бардаси.* Хом спиртни олишда қайта ҳайдаш натижасида қоладиган ачиткилар бардасидаги ачитки бўлаклари 6 мм гача катталиқда, кул ранг, баъзида яшил рангли бутун ачиткилар чўкмасининг массасидан иборат. Уни шароб кислота тузларини ва ем ачиткилари (оқсилли ем ачиткилари) олиш учун ишлатилади. Барданинг 3% озуқа бирлиги (100кг-да 7-10%) қуруқ моддалардан, 1-2,5 % шароб кислотасидан, 0,8 % гача қанддан, 1% гача спиртдан, 96% гача намликдан, 0,6-2,0% протеиндан, 0,4% гача клетчаткадан ва 12,0 г/л гача титрланадиган кислоталардан иборат. Ачитки бардаларидан шунингдек сирка, глицерин, фурфурол, ўғит ва озуқа маҳсулотлари ҳам олиш мумкин.

*Узум уруғи.* Уруғ янги ёки экстракцияланган узум турпидан олинади ва узум мойи, танин ишлаб чиқаришда, ҳамда селекция мақсадида ишлатилади. Узум навининг зичлигига қараб, улар шингил массасининг 1-4% ташкил қилади; янги узум турпларида 15-40%-и уруғлар, қуритилган турпларини эса 65%-ни уруғ ташкил этади.

*Углерод тўрт оксиди (CO<sub>2</sub>).* Бижғиш давомида 1г қанддан 0,49г миқдорда углерод оксиди ҳосил бўлади. Озиқ-овқат саноатида энг қимматли маҳсулот ҳисобланади, қисман ош шаробларни ва ичимликларни газлашда, шарбат ва нордон шаробларни сақлашда ҳаво бўшлиғини тўлдириш учун қўланилади. Шарбатни бижғиш вақтида углерод тўрт оксиди билан биргалиқда 0,17-1,5% гача этил спирти ва эфир мойларини бир қисми

ажралиб чиқади. Спирт ва ароматик моддалар махсус қурилмалар ёрдамида йиғиб олинади.

Махсус қурилмалар ёрдамида спирт ва ароматик моддалар, бижғиётган шарбатдан чиқаётган учувчан моддалар ушлаб қолиниши ва асосий маҳсулотларга қайтариш, шарбат ва ичимликларга киритиш мумкин.

## 1.10. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНОКИМЁВИЙ

### НАЗОРАТИ

Шароб ишлаб чиқарадиган корхоналар лабораториялари.

1. Шароб ишлаб чиқарувчи корхоналарда технологик ва микробиологик текширув корхона лабораториясида олиб борилади.

2. Ҳар томонлама, ҳар технологик жараёнларда хом ашёдан тортиб тайёр маҳсулотга қадар лаборатория текшириш олиб борилади. Лаборатория томонидан ўтказиладиган назоратлар.

А) хом ашё ярим тайёр маҳсулотлар асосий ва қўшимча материаллар ва тайёр маҳсулотлар, асосий ва қўшимча материаллар ва тайёр маҳсулотлар сифатини ва уларни кўрсатилган стандарт ва техник шартларга тўғри келишини текшириш.

Б) хом ашёга асосланган технологик схема бўйича ишлов бериш мобайнида юқори сифатли тайёр маҳсулот билан таъминлашда қатнашиш.

В) тайёр маҳсулот чиқишга, чиқиндини, йўқотишни хом ашё сарфи меъёрини ҳисобга олган ҳолда текшириш.

Г) курсатилган технологик схема ва усуллар асосида бажариладиган технологик ишлаб чиқариш жараёнини текшириш.

Д) тайёр маҳсулотни кўриниш уни жойлаш ва маркасини текшириш.

Е) ишлаб чиқариш корхоналарини ускуна тара ва анжомлар санитарияга тўғри келишни текшириш.

3. Лаборатория учун тасдиқланган шакл ва муддат ҳисобот учун белгиланади.

4. Прест марказий лабораторияси бошчилигида корхона лабораторияси бошқарилади.

#### ***Темирни йодаметрик микро усул билан аниқлаш.***

Йодаметрик темир оксидини аниқлаш учун шарбатга кулни НС<sub>2</sub>да эритилади ва темирни водород пероксида оксидлаш усулига асосланган,

100мл шарбатга керак бўлса дастлабки кул кўшилади. Кулни химик тоза HClда эритилади.ва аралашма ювиладиган сувда ювиб тоза чинни идишга солинади. Сууюқликни 3-4% ли таркибида HNO<sub>3</sub> бўлмаган аралашма билан ишланади ва сувли хоммомда куруқ ҳолга келгунича парлантирилади. Қолган қолдиқни 0,3мл HCl (P-1,19) намлантирилади ва 200мл ли колбага оз миқдорда сув билан чайишди, (колбага сув 200млдан сув ошмаслиги керак) кейин 2,5гр йодли калийни кўшиб колбани оғзини беркитиб аралаштирилади, 20 мин қолдирилади ва ажраган йодни крахмали 0,01 гиносульфат аралашмаси билан титрланади. Вино таркибида асосан CH<sub>3</sub>COOH- сирка кислотаси учрайди. Учувчан кислоталарга учиш жараёнида иккиламчи маҳсулот деб қараш мумкин. Шаробларни сақлаш давомида учувчан кислоталар миқдори ортиб боради. Соғлом виноларнинг таркибида учувчан кислоталар 1.5г/дм<sup>3</sup>-дан ошмаслиги керак. Агар ортиб кетса, винони касал деб тушунмоқ керак, бу касаллик сирка бижғишни сут кислотали бижғиш ва пропион кислотали бижғишдан келиб чиқади. Шунинг учун вино таркибидаги учувчан кислоталар миқдорини аниқлаб туриш шарт ва вино ишлаб чиқарадиган корхоналар лабораториясида шароб текширилаётганида кенг қўлланилади. Матъе усулида ва сув буғи ёрдамида учувчан кислоталарни аниқлашда моддани қайнатиш йўли билан буғлатиб, сўнг буғни совутиб дисстилят ҳолатда йиғиб йиғинди ишқор билан титрланишга асосланган. Вино таркибидаги учувчан кислоталар миқдори г/дм<sup>3</sup>-да ифодаланади ва сирка кислотасига ҳисобланади.

***Учувчан кислоталар миқдорини Матъе усули билан аниқлаш. Асос.*** текширилаётган шарбатлар таркибидаги учувчан кислоталар миқдорини аниқлаш махсус асбоб-анжомда шарбатларни ҳайдашга ва дисстелятини йиғиб олишга асосланган. Ҳайдаш давомида шарбатни ҳажмига камайган сари ҳайдов колбасига вақти-вақти билан дисстилланган сув кўйилиб, турилади(умумий ҳажмини доим бир сақлаш учун) шу йўл билан 10см<sup>3</sup> текширилаётган шаробдан 24см<sup>3</sup> дисстилят йиғилади ва натрий миқдори билан фенольфталеин иштирокида титрланади.

**Титрланадиган кислоталикни титрометрик усул билан, индикатор билан аниқлаш йўли.** Асос. Бу усул, текширилаётган суюқликни титрланган ишқор эритмаси билан тўғридан тўғри титрлаб нейтрал реакциягача етказишга асосланган. Нейтрал ҳолат индикатор билан аниқланади. Эритмалар : 1. 0.1Н NaOH эритмаси

2. бромтимол кўкининг 0.1%ли (70-80 % спиртдаги) эритмаси.

**Ишни бажариш тартиби.** Ҳажми 200см<sup>3</sup> га тенг Эрленмейер колбасига пипетка орқали 10см<sup>3</sup> текширилаётган, ҳарорат 20°С га тенг, суюқлик қўйилади ва унга 100см<sup>3</sup> дисстиланган сув қўйилади. Аралашма қизитилади ва қайнаган захотиNaOH, 1Н эритмаси билан титрланади ( титирлаш давомида суюқлик доим чайқатилиб турилади.). Титрлаш охири бромтионкўки ёрдамида суюқлик ранги ўзгаришга қараб аниқланади. Бунинг учун оқ чини идишга ёки оқ чини тахтачага бромтимолкўки қўйилиб, унга текширилаётган суюқликдан бир томчидан қўйилади. Аралашмани ранги оч яшил бўлса, титрлашни тўхтатиб, тугаган деб ҳисоблаймиз. Нейтрал муҳитда ушбу индикатор яшил, кислота муҳитида сариқ ва ишқор муҳитида зангори ранг беради.қизил рангли шаробларда, бўёқ моддалари анча кўп миқдор бўлганлиги сабабли, титрланадиган кислоталиликни аниқлашдан олдин 10 баробар суюлтирилади ва ундан 20м<sup>3</sup> пипетка билан олиб титрланади ва суюлтирилганлиги ҳисобга олинади.

Узум шарбатидан олинган шаробларнинг сифати шароб олиш учун қайта ишланган узумнинг етилганлиги даражасига боғлиқ. Тайёрлаш технологиясига биноан ҳар бир шароб тури узумни етилганлик даражасига кимёвий таркибига ўзига хос бўлган талабларни қўяди. Узумнинг етилганлик даражаси шарбат таркибидаги қанд миқдори ва титрланган кислоталиликни маълум нисбатлари билан ифодаланади. Ишлаб чиқариладиган шароб тури ва маркаси учун технологик инструкцияда узумнинг оптимал кондициялари шартли белгиланган бўлади. Масалан, нордон ва шампан хом шароблари учун узум таркибидаги қанд миқдори 17-20%ва титрланган кислоталик 8-11г/л га, дисерт шароблар учун эса узум таркибидаги қанд миқдори 26% дан

хом бўлмаслиги керак. Узум шарбатидаги қанд миқдорини рефрактометр ёки ариометр билан аниқлаш мақсадга мувофиқ. Хом шароб ва тайёр маҳсулот таркибидаги қанд миқдорини кимёвий усулда аниқланади.

### ***Спиртометр орқали аниқлаш усули***

Спиртометр билан аниқлаш техникаси. Синалувчи шароб бир неча соат хона ҳароратида сақланади (хона ҳарорати  $20^{\circ}\text{C} \pm 3^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак). Шундан сўнг ўлчов колбасига белги чизиғигача 200-250 мл шароб қуйилади ва 400-500 мл ли колбага кўчирилади колбани 3 марта чайқалади. Бунинг учун 10мл дистилланган сув сарфланади. Чайинди шу колбага қуйилади. Ҳайдов колбани совитгич билан туташтириб, шароб хажмидан тахминан  $\frac{3}{4}$  қисми хайдалади, чиққан шароб ўлчов колбасига солинади.

Ўлчов колбасидаги отгон ҳажмини белги чизиғигача дистилланган сув билан етказилади ва ҳажми 250-300мл цилиндрга қуйилади. Спирт миқдорини аниқлаш учун отгон ичига спиртометр солинади (5-10 ёки 10-20 ҳажм % гача) бунда ариометр ёрдамида зичликни аниқлаш лаборатория ишининг қоидаларига риоя қилинади. Отгон ҳароратини аниқлаш учун спиртометр кўрсаткичи белгиланиб қўйилади.

## 2. АСОСИЙ УСКУННИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштиришнинг асосий негизи иш жойларни ўзгартириш, бу технологик жараённинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шарбат олиш саноатида техника ва технологияларни ривожлантиришни, ишлаб турган ва янги қурилаётган корхоналарни қуввати кўпайиш назорат килиш бошқарувни ҳисоблаш техникаси кенг қўллаб, комплекс автоматлаштириш киритишни талаб қиляпти.

Автоматлаштириш ишлаб чиқариш жараёнлариин жадаллаштириш, унумдорлигини ошириш ва юқори сифатли маҳсулот олишни, асосий ва ёрдамчи технологик жараёнлари хавфсиз ишлашини таъминлайди. Локал ва автоматик бошқариш системалари катта ашамиятга эга булиб, ахборот ва бошқариш функцияларини меъёрида фаолият курсатишини таъминлайди.

Ахборот функциялар ахборотни техник параметрларини ўлчаш, узатиш, тайёрлаш ва кўрсатишлардани иборат.

Бошқариш функциялар ҳисоб ва узатиш, бошқарувчи механизмга таъсир кўрсатиш бошқаришлардан иборат.

Сифатли маҳсулот олинишида берилган қийматларни сақлаб туришдир.

Битирув ишим *“Мавсумда 2000 т узумни нордон хом шаробларга қайта ишлаш”* бўлганлиги сабабли, битирув ишимнинг технологик жараёнларни автоматлаштириш қисмида, асосий жараёнлардан бири бўлган бижғиш жараёнини кўриб чиқаман.

Бижғиётганда ажралиб чиқадиган иссиқликни паст температурада сақлаб туриш , бунинг учун совитувчи агент сифатида совуқ сув ишлатилади. Бижғитиш жараёнида ҳароратини бошқариш керак .

Битирув ишини бажаришда объект сифатида бижғитиш резервуари танлаб олинди. Бошқарилувчи объект – ҳарорат. Жарёндаги узгартириладиган объектнинг асосий курсаткичи:

$t_{\max} = 26^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\min} = 20^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\text{ypr}} = 23^{\circ}\text{C}$ ; микдорда узгариши мумкин, узгариши чегараси  $= +3^{\circ}\text{C}$ .

Ушбу кўрсаткични ўзгартирувчи - бошқарувчи қиймат – совитувчи сувнинг сарфи:  $G_{\max} = 0,06 \text{ м}^2/\text{соат}$ ,  $G_{\min} = 0 \text{ м}^2/\text{соат}$  қийматларгача ўзгариши мумкин.

Демак, ҳароратни максимал ўзгариш чегараси:

$$\Delta t_{\max} = t_{\max} - t_{\text{ypr}} = 26 - 23 = 3^{\circ}\text{C}$$

$$\Delta t_{\min} = t_{\min} - t_{\text{ypr}} = 20 - 23 = -3^{\circ}\text{C} \text{ яъни}$$


$$\Delta t = \pm 3^{\circ}\text{C}.$$

Бошқарилувчи объектдан берилаётган совуқ сув ҳароратини улчашдаги хатоликларнинг қийматлари (абсалют, нисбий ва келтирилган хатоликлар) аниқланди. Ушбу хатоликларга мос келувчи улчов аниқлаш туғри келган датчик танланди - ҳароратни улчовчи асбоб.

	Курсаткич	Катталиқ чегараси		Абс dA	Динамик курсаткичлар							
		$A_{\max}$	$A_{\min}$		$K_{\text{об}}$	$K_1$	$K_2$	$K_3$	$T_1$	$T_2$	$T_3$	
	$A_{\text{урта}}$											
	23	26	20	0.5	1.25	1	1.25	1	65	80	30	

Ҳисоблашни компьютерда MATLAB дастури асосида 2сиғимли объект моделини борлигини инобатга олиб, биз ҳам меъёрловчи қурилмадаги бошқарув жараёнини 3 сиғимли деб, қабул қиламиз.

Объектнинг утувчи жараёнининг эгри чизиги қуйида келтирилган “MATLAB” дастури асосида бошқарув тизимининг динамикасининг компьютер моделини тўзамиз.



Динамик модел курсаткичлари “MATLAB” дастури асосида олинган эгри чизик ёрдамида аникланади:

Бунга караганда  $K = K_1 * K_2 * K_3$  бу ерда-  $K_1, K_2, K_3$  хар бир сигимнинг кучайтириш коэффиценти.


Демак,  $K = K_1 * K_2 * K_3 = 1.25$ .  $K_1, K_2, K_3$  ларнинг кийматини танлаб, объектга мом келувчи киймати олинади.

Компьютерда MATLAB дастури асосида куйидаги бошқариш тизими курсаткичлари олинди:


$$K_1 = 1.25; \quad K_2 = 1; \quad K_3 = 1. \quad T_3 = 65; \quad T_2 = 80; \quad T_1 = 30;$$

Объектни оптимал бошқариш учун унга тугри келадиган ростлагич танланади- ростлаш конунига биноан.

Куйида келтирилган блок схемага асосан ростлаш оптимал куриниши танланди, ростлагични кийматини аниқлашда датчик ва ижрочи курилмани кучайтирувчи булинма деб караб 3сигимли объект ПИ рослагич учун хисобланди:




Бошқарув тизимининг компьютер модели “MATLAB” дастури асосидаги блок схемаси куйида келтирилган:



3-расм. Тизимнинг “MATLAB” дастуридаги блок схемаси (ПИ регулятор).


Ростлагичнинг сошлаш коэффицентлари ( $T_0$  ва  $K_p$ ) қийматини аниқлаш учун тизимнинг “MATLAB” дастуридаги модели ёрдамида бир неча ўтиш чизмаларини олинди ва улар орасидан энг муқобилини (оптималини) танланди (4- расм. ва ростлагич коэффицентларининг қийматларини технологик тизимда турадиган ростлагич коэффицент киритаман



4-расм. Автоматик бошқариш тизимида ўтиш жараёнинг графиги .

Бошқарув тизим функционал чизмаларини чизишда, ГОСТ фойдаланиб, бирламчи, иккиламчи асбобларни танлабди.

Танланган ўлчовчи ва бошқарувчи асбоблар асосида бошқариш тизим функционал чизмасини чизилди.



5-расм. Бошқариш тизим функционал чизмаси.

Кўрилатган мисол учун иссиқликнинг функционал бошқариш чизмаси қуйидагича кўринишда (расм 5) бўлади. Адабиёт ва услубий қўлланмалардан фойдаланиб, бирламчи, иккиламчи асбоблар, ростлагич, бошқарувчи ва ижрочи қурилмаларни ГОСТ 21.404-85 талабига мос равишда тузилди.

## Ўлчаш ва бошқариш воситаларининг буюртмалар рўйхати

Поз №	Ўлчанади -ган катталиқ	Ўлчанади -ган муҳит тавсифи	Ўлчов асбобларининг ўрнатилган жойи	Ўлчов асбобларининг номи ва тавсифи	Сони
1	2	3	4	5	6
1-1	Ҳарорат	жойида	Рақамли ҳарорат улчагич	ТІ 170011	1
1-2	Ҳарорат	жойида	Рақамли ростлагич	ТF 170011	1
1-3	Ҳарорат		Рақамли масофавий бошқариш	ТР 170011	1
1-4	Ҳарорат	жойида	Рақамли ижрочи қурилма	ТЕ 170011	1

### 3. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ

1. Ишлаб чиқариш корхоналарида „Меҳнат муҳофазаси“ жуда катта аҳамиятга эга. Фуқарони муҳофаза қилиш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Корхонанинг зарарли ва ёмон жойларида ишлаганда, яъни ишловчилар учун жой-устама ҳақ тўланади ёки иш соати қисқартирилади.

2. Барча саноат корхоналари атрофига чиқарадиган ишлаб чиқариш зарарли чиқиндилар (газ, тун, чанг ва б.) СН 245-71 га асосан 5 синфга бўлинади. Корхоналарни санитария жиҳатдан бўлинишга асосан бажарилаётган технологик жараён шартлари ишлаб чиқариш ҳажми ва атрофга чиқарилаётган зарарли чиқиндиларни тозалаш тадбирлари ҳисобга олинади.

3. Хом ашёни қайта ишлаганда барибир зарарли томонлари мавжуд, яъни шаробни таркибида темир моддаси кўпайиб кетса шаробни ранги ўзгариб кетади кейин уни истеъмол қилганда одамларни касал қилиши мумкин. Ундан ташқари йўл қўйса бўладиган концентрация мл/м<sup>3</sup> бирлигида ўлчанади ва ҳозирги вақтда 800 дан ортиқ моддалар учун шундай концентрация нормаси белгиланган.

Зарарли моддаларнинг турар жойлардаги ҳаво таркибидаги концентрацияси ишлаб чиқариши миқдorigа нисбатан 100 марта кам бўлиши керак.

4. Корхона лойиҳасини тузилишида асосан шамол йуналишига қараб тузилади. Тузилган лойиҳа давлат назоратидан ўтиб қурилишига руҳсат этилади. Шамол йуналиши катта аҳамиятга эга.

5. Технологик жараёнларнинг хавсизлигини таминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

- саломатлик учун зарарли бўлган жараёнларни хавфсиз турларга алмаштириш.

- зарарли ёнадиган портлайдиган моддаларни хавфсиз турга алмаштириш

- зарарли ва хавфли вазият мавжуд бўлганда технологик жараёнларда механизациялаш, автоматлаштиришни, узокдан бошқариш усулларини Фукарони муҳофаза қилиш учун жуда қулай ва оқилона.

6. Саноат корхоналарда мўлжалланган ишларни, технологик жараёнларни бажариш талабаларга мос келадиган маҳсулотлар ва моддалар олишда бир неча турдаги универсал асосий ва қўшимчалар асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Саноатда қўлланиладиган замонавий ускуналарни яратиш ва қўллашда умумий хавфсизлик йўлланмаси сифатида қувват сарфлаш, йириклаштириш, ишончликни ошириш омиллари ҳисобга олинади. Шунингдек ускуналарга инсон хусусиятларидан психофизиологик талаблар куйилади.

7. Сан Пин-0120-01 Сан Пин -0121-01 талабига асосан шовқин ва тебранишга қарши курашишни машина-механизмлар, технологик жараёнларни лойихалашнинг дастлабки босқичларида бошлаш керак. Сер шовқин цехларни бошқа цехлардан товуш ўтказмайдиган тўсиқлар билан ҳимоялаш цехларнинг эшик ва деразалари товуш ўтказмайдиган ёки камрок товуш ўтказадиган махсус материаллардан тайёрланган бўлиши зарур.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида шовқин ва тебранишни ўлчаш шароитни баҳолашда Ш-3,Ш-60,Ш-71,ИШБ-1 каби турли хилдаги ўлчов асбобларидан фойдаланилади.

8. СНИП 2 01,05-08 талабига биноан тенглик ҳолати майдонларини ёритиш алоҳида ўрин тутади. Чунки тўғри ва режали ёритилган корхоналарда иш унумдорлиги ошади. Шовқин камаяди ва корхона хавсизлиги тامينланади. Яхши ёритилмаган хоналарда ишлаётган ишчи атрофида жойлаштиришга нарса ва буюмларни яхши кўрмайди, ишлаб чиқариш шароитига мослаша олмайди, натижада ишчи меҳнат фаолиятида кўзнинг қўшимча зўриқиши вужудга келади.

9. СанПин-0058-76 га асосан шамоллатиш тизимлари ишга туширишдан олдин техник ва санитария-гигиена синовидан ўтказилади. Техник синовда шамоллатиш қурилмасининг техник хусусияти

тавсифномаси босими ҳаво ҳаракати ва бошқа бирликлари аниқланади. Ишчи-хизматчи ва ходимлар бўладиган ишлаб чиқариши биноларини доимо малум ҳароратда ушлаб туриш учун иситиш қурилмалари ўрнатилади. Иситиш тизими маҳаллий ва марказланган ҳолда бўлиши керак. Иситишни буғ, сув ва ҳаво ёрдамида қувват сарфлаш, орқали амалга оширилади.

10. Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоида-талабларига амал қилмаслик одамнинг шикастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик ҳолда тасир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишига, юрак фаолиятига, моддалар алмашинувиغا, қон тарки ва бошқа азоларига ўзгариши бўлиши мумкин.

Одамларни электр токи ёрдамида шикастланишидан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида хавфсиз ток (12-36 В) усти қопланган симлар ёрдамида уланган ва нейтралловичи ҳимояли ва хавфини бартараф қилувчи мосламалар бўлиши керак ва огоҳлантирувчи воситалар ҳам қўлланилади.

14. Портлашга хавфли аралашма ҳосил бўладиган ёки мавжуд бўлган бино, бинодаги чегараланган юза ва ташқи қурилмалар портловчи зона дейилади.

Потрлашга ёнғинга хавфлилиги бўйича ишлаб чиқариш биноларни синфланишига қараб уларга мос келадиган портлашдан ҳимояланган электр қурилмалари ташқи тасирдан ҳимоялаш усуллари танланади.

15. Ўтга чидамлилиқ бино қисмларини ёнувчанлик қисмга боғлиқ ва СНИП-2.01-02-85 га асосан қурилиш материаллари ва конструкциялари ёнувчанлиги бўйича 3 гуруҳга бўлинади, яъни уларнинг ёнмайдиган, қийин ёнадиган, ёнадиган хиллари мавжуд. Ёнғин пайтида юқори ҳароратга бардош бериб ўзининг иш қобилияти, кўринишини сақлаш ўта чидамлилиқ дейилади.

16. Маълум вақтда одамларни хавфсиз жойга чиқишга ёрдам берадиган йўллар чиқиши эвакуация йўллари дейилади.

17. СНИП 2.04.02.85 га биноан ёнғинни ўчириш учун сув, сувнинг кимёвий эритмалари, кўпик, спирт, газлар ва газ таркибли кўпиксимон моддаларнинг турли аралашмалари ишлатилади.

Ёнғинни ўчирадиган бирламчи ва стационар воситалар мавжуд. Бирламчи ўт ўчириш воситаларга ҳаракатланадиган, қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичлар, гидропультлар, челак, сувли бочка, ёнмайдиган намат материаллари ва бошқалар мисол бўла олади.

18. Содир бўлган ёнғинни чеклаш, бартараф этиш учун ёниш зонасига ўтадиган ҳаво ёки ёнувчи модда миқдорини камайтириш керак. Шунда ёниш жараёни тўхтайдди. Бу шартни бажариш учун ёниш зонасидаги ҳароратни моддаларнинг алангаланиш ҳароратидан паст даражагача (температурадан паст) совутиш, пасайтириш ёки ёнмайдиган моддалар билан муҳитни аралаштириш, ёнувчи моддаларни ёниш зонасидан тўсиш керак бўлади.

19. Ёнғин ҳақида тезда хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш ускуналарида, ишлаб чиқариш биноларида ва омборларда даракчи воситалари ўрнатилади.

Даракчи восита ва алоқанинг бўлиши ёнғиндан огоҳлантиришда ёнаётда манба ёки жойни ўз вақтида билиб олиб ўт ўчириш бўлимига хабар бериш керак. Ёнғин алоқаси ўз навбатида диспетчерларга алоқа туриғрисида дарак бериш керак бўлади. Алоқа асосан электрон ёрдамида уюштирилади. Электр алоқаси автоматик ёки қўл билан бошқарилади.

20. Саноат корхоналарда кўнгилли ўт ўчириш дружинасини ташкил қилишдан мақсад фавқулотда вазиятлар ёнғин, қисқа туташув ва бошқа ҳолатлар юз берганда ўт ўчирувчилар етиб келгунча ёнғинни ўчириш учундир. СНИП 2.04.09-84 га асосланган ҳолда.

21. Яшин ер устида жойлашган иншоатларга 2 хил таъсир кўрсатади. Яшин ер устидан иншоат қурилмаларига тўғри урилиши унинг бузилишига, ёнувчи модда ва материалларнинг алангаланишига олиб келади. Яшиннинг иккиламчи таъсири ҳимояланувчи бино ва иншоатларнинг метал конструкцияларини ўчириш вақтида зарядларнинг электростатик ва электромагнитли индуксилланиши билан боради.

Саноат корхоналарида яшинни бирламчи ва иккиламчи таъсири натижасида содир бўладиган ёнғин, портлаш, бузилиши каби ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида СН 305-79 га асосан муҳим чоралари кўрилади.

#### 4. АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари алоҳида этиборга молик. Марказий Осиё шароитида экологик муаммолар кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари бўйича бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда атмосферага чиқариб юборилаётган чиқиндилар, сув омборлари ва ерни ифлослантирувчи зарарли моддаларни қайта ишловчи замонавий ускуна ва қурилмалардан фойдаланиб, уларни зарарлантириш, газ тозаловчи ва чанг тутувчи ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш керак. Атроф муҳитни зарарлигини ишлаб чиқариш керак. Корхоналарда сув таминоти катта аҳамиятга эга, чунки ускуна, қурилма ва технологик жараёнларда оқова сувлар кўп бўлади. Оқова сувлар таркибида зарарли моддаларни бўлиши сувни қайта ишлаш станцияларидан фойдаланишни тақозо этади. Ичимлик этил спирти ишлаб чиқариш корхоналарда сув сарфи 10% ни ташкил этади. Асосан ускуна ва аппаратларни ювишга буғ қозонларни ювишда срафланади, яна ичимлик ишлаб чиқариш корхоналарда сув сарфи 98% ни ташкил этади. Сув, спирт, шарбатни текшириш ускуналарни, иссиқлик алмашилиш ускуналарни филтр-пресс пастеризатор ва технологик сифимларни ювишда ва буғ қозонлар, компрессор қурилмаларида ишлатилади.

Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган сув ГОСТ 28-74-73 „Ичимлик суви“ талабига жавоб бериши керак.

Бир хил йўналишдаги корхоналар учун оқова сувлари маҳсулотлар таркибига кирувчи органик ва минерал моддалар билан ифлосланади. Бу оқова сувга маиший хизмат оқова сувлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоиди-талаблари ва тамойиллари асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинади.

Асосий қонунимизда давлат экология сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланса, ушбу конституцион қоидаларга мос равишда

кабул қилинадиган қонунларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг талаблари, механизми мустаҳкамланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси қуйидаги қонунлари қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида» ги қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг «Радиация хавфсизлиги тўғрисида» ги қонуни ва бошқалар.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, объект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби экологик-ҳуқуқий қоида талаблари белгилангандир.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари экологик муносабатларни тартибга солиш

учун қабул қилинган бўлиб, экология ҳуқуқининг махсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки табиат-жамият тизимидаги ўзаро таъсирлар яъни экологик ижтимоий муносабатларнинг доираси кенг ва мураккаб бўлиб, уларни тартибга солиш жараёнида жамият ва давлат ҳаётининг барча воситаларидан фойдаланади яъни нафақат экология ҳуқуқининг махсус қоида-талабларидан балки бошқа ҳуқуқ соҳаларининг қоида-талабларини мувофиқлаштирган ҳолда қўлланилади.

Экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари давлат экологик-ҳуқуқий механизмини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонун ости меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқ равишда экологик муносабатларни тартибга солади.

Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёнилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-сахроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал

### Корхонанинг (цех, бўлимнинг) сув билан таъминланиши

Сув билан таъминлаш манбаи	Сувдан фойдаланиш меъёри, м <sup>3</sup> /соат		Айланма ҳаракатдаги сувнинг ҳажми, м <sup>3</sup> /соат	Тоза сувни тежаш, %
	Лойиха бўйича	Аслида		
Шаҳар сув ҳавзаси(1 кунлик)	0.1	0.09	0.07	40

Артезан кудук	0.1	0.1	0.06	45
---------------	-----	-----	------	----

Корхонада асосан маиший-хўжалик оқава сувлари ҳосил бўлади. Бундай оқава сувларни механик ва биологик усуллар билан тозаланади.

### Оқава сувлар ва уларни тозалаш

2-жадвал

Оқава сувларнинг турлари	Оқава сувнинг ҳажми, м <sup>3</sup> /соат		Ифлосликлар таркиби, г/л	Тозалаш усуллари	Тозалагич мосламалар ва ускуналар	Тозаланган сувнинг ишлатилиш йўллари
	Тозаланаётган	Ташлаб юборилаётган				
Технологик жараёндан сўнг ишлатиладиган сувлар	0,04	0,0001	Органик чўкмалар, ноорганик минерал моддалар, дисперс зарралар	Механик ва биологик усул	Бирламчи тиндиргич, аэротенк, иккиламчи тиндиргич	Қишлоқ хўжалигида суғоришда ишлатилади
Маиший эҳтиёжлар учун сарфланаётган сувлар	0.005	0.005	Органик бирикмалар ва сиртактив моддалар	Механик ва биологик		

## 5. ИҚТИСОДИЁТ ҲИСОБ ҚИСМИ

Малакавий битирув ишининг иқтисодий қисми яқунловчи ҳисобланиб, ишлаб чиқаришнинг сарф ҳаражатлари, яъни маҳсулот таннархининг ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгиловчи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобидан иборатдир.

Иқтисодий қисм қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш дастури – лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми ( натурал ва қиймат ифодаси бўйича)
- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидаги тўғри моддий сарфларни очиб – хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, қувватлар ва ёқилғи сарфларининг ҳисоби (қайта ишланадиган чиқинди айрилган ҳолда). Бу маълумотлар корхонанинг технологик регламенти ёки лойиҳанинг моддий балансидан олинади.
- маҳсулот таннархидаги бошқа тўғри, ёндош сарфлар, асосий фондларнинг амортизацияси ва қолган шу жумладан устама сарфлар асосида маҳсулот таннархининг (1 ўлчам ва йиллик) ҳисоби – корхона маълумотлари асосида (1 ўлчам маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг калькуляцияси)
- маҳсулот таннархининг асосида лойиҳа бўйича фойдаси, маҳсулотнинг улгуржи баҳоси, рентабеллиги, эркин-сотиш баҳосининг ҳисоби.
- асосий кўрсаткичлар ҳисоби - ишлаб чиқаришнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маҳсулотнинг йиллик ҳажми (натурал ва қиймат ифодаси бўйича), 1 ўлчам ва йиллик маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, фойда, рентабеллик кўрсаткичлар, 1 ўлчам маҳсулотнинг эркин баҳоси, 1 ишчи ва цех ходимининг ўртача ойлиги, моддий сарфларнинг таннархидаги улуши.

**МАҲСУЛОТНИНГ ЙИЛЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ  
(НАТУРАЛ ВА ҚИЙМАТ ИФОДАСИДА)**

**Жадвал 1**

<b>№</b>	<b>Маҳсулот номи</b>	<b>Ўлчам</b>	<b>Бир ўлчам нархи сўм</b>	<b>Натурал ифодаси</b>	<b>Қиймат ифодаси м.сўм.</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>
<b>1</b>	Нордон хом шароб	дал	12325	114210	74236.500

Ушбу жадвалда лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришга режалаштирилган маҳсулот тури, унинг ўлчами, натурал ифодадаги ва қиймати бўйича маҳсулотнинг ҳажми ва 1 ўлчам маҳсулотнинг сотиладиган нархи қайд этилади.

Ҳисоб тартиби:

5 графада лойиҳа бўйича маҳсулотнинг 1 йиллик ҳажми қайд этилади.

6 графа = 4 графа x 5 графага.

## ТЎҒРИ МОДДИЙ САРФЛАР

**Жадвал 2**

№	Сарф моддалар	Ўлчов бирлиги	Баҳо	1 гл учун		Йиллик сарф	
				миқ.	сўм	миқ.	Минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Хом ашё ва асосий материаллар а) узум	дал	650	14.5	9425	114210	1076429.2 50
2	Ёрдамчи материаллар: а) каустик сода б) декстрин в) фильтр картон	кг кг кг	1600 190 10333	0,022 0,32 0,02	35,2 60,8 206,67	44 64 40	70 12 413
3	Ишлатиладиган чиқинди (айрилади),						
4	Газ						
5	Кувват сарфлари (эл.куввати)	кВт	131.4	0.7	94	114210	10735740

Жами:

8996,67      17,539

## МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИНИНГ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми –

Маҳсулотнинг калькуляцион ўлчами –

**3- жадвал**

№	Сарф моддалар	Сарфлар қиймати	
		1 ўлчам маҳсулот учун, сўм	Йиллик ҳажми, м. Сўм
1	2	3	4
1.	Тўғри моддий сарфлар	8996, 67	17539
2.	Меҳнатга доир тўғри сарфлар, шу жумладан; а) ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи б) суғурта ажратмалари (ягона ижтимоий тўлов – 25%)	875 700 175	10500 8400 2100
3.	Материалга доир ёндош сарфлар	390	585
4.	Меҳнатга доир ёндош сарфлар	360	720
5.	Асосий фондлар амортизацияси	740	1480
6.	Бошқа сарфлар, шу жумладан: <i>ишлаб чиқариш таннарни;</i> <i>давр ҳаражатлари;</i> <i>умумий сарфлар;</i> <i>фойда;</i> <i>маҳсулот рентабиллиги;</i> <i>корхонанинг улгуржи баҳоси;</i> <i>акциз;</i> <i>келишилган (эркин-сотиш) баҳо – 20% ҚҚС.</i>	16380 4600 20980 3232 15 24213 6587 30800	32760 5200 41960 6464 15 48426 13174 61600

## АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲИСОБИ

№	Кўрсаткичлар	Ўлчам	Лойиха бўйича
1	2	3	4
1.	Йиллик и/ч маҳсулот ҳажми а) натурал ифода б) товар маҳсулотнинг қиймати	минг сўм	2000 7488
2.	1 ўлчам маҳсулотнинг и/ч таннархи (и/ч сарфлари)	Сўм/ўлчам	16380
3.	Йиллик маҳсулотнинг таннархи	минг сўм	32760
4.	Маҳсулотнинг эркин сотиш баҳоси	Сўм/ўлчам	30800
5.	Йиллик фойда	минг сўм	6464
6.	Маҳсулот рентабиллиги (самарадорлиги %)	%	15
7.	1 ишловчининг ўртача – ойлик иш ҳақи	минг сўм	800
8.	1 ишчининг ўртача – ойлик иш ҳақи	минг сўм	700
9.	Моддий сарфларнинг и/ч таннархдаги улуши	%	55

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А. Каримов
2. ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”
3. З.П. Кишковский, А.А.Мержанин. – «Технология вина» Изд. «Легкая пищевая промышленность» М. 1984г.
4. Ц. З. Зайчик «Технология оборудования винодельческих предприятий » М.: ДеЛи, 2001 г.
5. В.И. Папов Примеры расчётов по курсу технологическому оборудованию предприятий бродильной промышленности «Пищевая промышленность» Москва – 1969 г
6. Мальтабар. Справочник винодела.
7. Шольц Е. П., Пономарев В.Ф. «Технология переработки винограда». Москва – 1990 г
8. Валуйко. «Технология столовых вин». Москва – 1969г.
9. Зайчик Ц.Р. «Машины и аппараты первичного виноделия» Агротромиздат 1992г.
10. Сапаева З.Ш. “Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси” фанидан маърузалар матни. 2013й.
11. Сапаева З.Ш. “Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси” фанидан услубий кўрсатмалар. 2013й.
12. Сапаева З.Ш. Оқ услубда узумни қайта ишлашда маҳсулотлар ҳисоби. Услубий кўрсатма.
13. Нормы технологического проектирования и технико – экономический показатели винодельческой заводов пероработки винограда, Москва – 1968 г
14. Полоцкий Л.М., Лапшенков Г.М. Автоматизация химических производств; Учебное пособие для Вузов.-М.: Химия, 1985.
15. Юсупбеков Н.Р., Мухамедов Б.Э., Гуломов Ш.М. Технологик жараенларни бошқариш тизимлари. Дарслик, -Т.:Укитувчи, 1997.

16. Ортиқов А.О., Мусаев А.К., Юнусов И.И. Технологик жараёнларни назорат қилиш ва автоматлаштириш. Услубий қўрсатма. Тошкент. ТКТИ 2004.
17. Ортиқов А.О., Мусаев А.К., Юнусов И.И. Технологик жараёнларни назорат қилиш ва автоматлаштириш. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТКТИ 2004.
18. «Меҳнатни муҳофаза қилиш» Ҳ.Раҳимова, А. Аъзамов, Т.Турсунов 2003г.
19. Эргашев А. «Умумий экология» Ўзбекистон нашриёти 2003й.
20. Виноделья виноградарство №6. 2005. с12-13.
21. Мальцев П. И. Технология бродильных производств. Москва – 1980 г
22. Яковлов П.М., Хоритонов Н.Ф. Технологическое оборудования винодельческих предприятий. Москва – 1975 г
23. “Русча – ўзбекча политехника атамалари”. Ўз. Рес. “Фан” нашриёти – 1995 й.